

Мавзу «ХФХНИНГ назарий асослари»

РЕЖА:

- 1. Таваккал хакида тушунча ва унинг баҳолаш усуллари.
- 2. Таваккал турлари ва унинг квантификацияси.
- 3. Маъқул булган таваккал концепцияси.
- 4. Таваккал билан бошкариш.
Хавфларни урганиш тартиби.
- 5. Хавфсизликни таъминлаш принциплари, усуллари ва воситалари.

Таваккал хакида В. Маршалл куйидаги таърифни беради, яъни у таъкидлайдики таваккал - хавфларни амалга ошириш частотасидир.

Умуумий килиб айтганда **таваккал** - хавфларни сон жихатдан баҳолашдир.

Сонли баҳолаш - у ёки бу кунгилсиз окибатлар сонининг маълум давр ичида булиши мумкин булган сонига нисбатидир

1-мисол. Бир йилда МДХ ишлаб чикаришида буладиган инсон улиш таваккалини аникланг, agar хар йили 14000 одам улса, уртacha ишлайдиганларнинг сони 138 миллион булса:

$$R_{\text{мам}} = 14000 / 140000000 = 10^{-4}$$

демак ишлаб чикаришда буладиган инсон улиш таваккали - 10^{-4} тенг.

2-мисол. Хар йили мамлакатда табий булмаган улимдан ташкари хар хил хавфлар окибатида 500 минг киши улса. Мамлакат ахолиси 300 млн. булса, мамлакатда хавфлар натижасида буладиган ахоли улиш таваккали куйидагича аникланади:

$$R_{\text{мам}} = 500 \ 000 / 300 \ 000 \ 000 = 1,7 \cdot 10^{-3}$$

- **Таваккал социал ва индивидуал (якка) турларга булинади.**
- **Индивидуал таваккал алохида шахс** учун маълум турдаги хавфни **характерлайди.**
- **Социал таваккал** - бу бир гурӯҳ одамлар учун булган таваккал.
- **Социал таваккал** - одамлар орасидаги ходиса частотаси билан заарланганлар сони уртасидаги боғланишдир.

Таваккални аниклашни 4 хил услугбий ендашишга булиш мумкин:

- 1. Инженерлик - бу статистика, частоталар хисоби, хавфсизликнинг эхтимолий тахлили ва хавф дарахтларини куришга асосланади.
- 2. Моделли - бу алохида одамга, ижтимоий ва касбий гурухларга заарали омилларнинг тъсир килиш моделини куришга асосланади.
- 3. Текширишга асосланган (эксперт) бунда хар хил ходисаларнингг эхтимолини малакаси ошган мутахассис (эксперт)ларни сураш билан аникланади.
- 4. Ижтимоий - ахолини сурашга асосланган.

- Мутлок (абсолют) хавфсизликни талаб килиш инсонлар учун узининг инсонпарварлигидан сотиб олинган фожиага айланши мумкин, шунинг учун ишлаётган системаларда нолинчи даражадаги таваккални таъминлаш мумкин эмас.
- Хозирги дуне мутлок хавфсизлик концепциясидан юз угиради ва маъкул булган (рухсат килинган) таваккалга келади. Маъкул булган таваккалнинг мазмуни хозирги давр вактида жамиятга маъкул булган хавфсизликга интилишдир.

Таваккал билан бошқариш

- **Хавфсизлик даражасини кандай кутаралим? Бу хавфсизлик назарияси ва тажрибасининг асосий саволидир.** Чамаси бу максадда маблагларни 3 хил йуналишда таксимлаш лозим:
 - - техник системалар ва объектларни такомиллаштириш;
 - - хизматчиларни тайёрлаш;
 - - фавкулодда холатларни бартараф килиш.

Хавфларни урганиш тартиби

- Хавфларни урганиш тартиби куйидаги боскичларда олиб борилади:
 - **Биринчи боскич** - хавфни олдиндан тахлил килиш. Бу боскич 3 та кадамдан иборат булади.
 - 1-кадам. Хавфнинг манбайни аниклаш.
 - 2-кадам. Хавфни келтириб чикариши мумкин булган система кисмларини аниклаш.
 - 3-кадам. Тахлилга чегараланишлар киритиш, яъни урганиш талаб килинмаган хавфларни чикариб ташлаш.
 - **Иккинчи боскич** - хавфли холатларнинг кетмакетлигини белгилаш, хавфлар ва ходисалар дарахтини куриш.
 - **Учинчи боскич** - окибатларни тахлил килиш.

Хавфсизликни таъминлаш принциплари:

- 1. Таъминий принциплар**-операторнинг активлиги, фаолиятни гуманлаштириш, структурани узгартириш, операторни алмаштириш, синфлаштириш, хавфни бартараф килиш ва камайтириш, тизимлик ва бошкалар.
- 2. Техникавий принциплар** -масофадан химоялаш, экранлаштириш, каттиклигини ошириш, блокировкалаш (яккалаш), вакуумлаштириш, хаво кирмайдиган килиш, пассив звено киритиш, зичлаштириш ва бошкалар.

3. Башкарув принциплари-уларга режали, назоратли, башкармали, мажбурийли, кайта алокали, самарави, жавобгарлик, рагбатлантириш, бир маъноли, адекватли принциплари киради.

■ **Ташкилий принципларга -уларга вакт буйича химоялаш, маълумот бериш, резервлаштириш, нормаллаштириш, кадрларни танлаш, кетма-кетлик, Эргономик, меҳнатни рационал ташкил килиш ва зидлик принциплари киради.**

Хавфсизликни таъминлаш услублари

- Хавфсизлик усууларини урганишдан олдин, биз куйидаги янги тушунчаларни киритамиз. Курилаетган фаолият жараёнида инсоннинг турган жойи **гомосфера** дейилади.
- Хар доим ва даврий равища содир булиб турадиган хавфли жой **ноксосфера** дейилади.
- Бу сфераларни хавфсизлик нуктайи назардан кушиш мумкин эмас.

Хавфсизликни таъминлаш усуллари 3 хил турга булинади:

- **Метод - А**, гомосфера билан ноксосферани бир-биридан жой ёки вакт жихатдан ажратиш усули. Бу усул ишлаб чикариш жараенларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, жихозларни масофадан бошкариш, манипулятор ва роботларни куллаш билан амалга оширилади.
- **Метод - Б**, хавфсизлик принципларини куллаб хавфларни йук килиш ва ноксосферани (ишлаб чикариш мухитини) нормаллаштириш, хамда ноксосфера характеристикаларини инсон характеристикаларига мослаштиришга асосланади. Бу усул инсонларни шовкин, чанг, газ, жарохатланиш ва хоказо хавфли омиллардан химоя килишга каратилган тадбирлар мажмуаси, хамда кисман хавфсиз техникани яратиш билан амалга оширилади.
- **Метод - В**, тегишлича химоя воситалари ёрдамида инсонларнинг химояланиш хусусиятларини оширишга, хамда инсонни ноксосферага мослаштиришга асосланган.

Хавфсизликни таъминлаш воситалари:

- 1. Коллектив химоя воситалари (КХВ)
- 2. Шахсий химоя воситаларига (ШХВ) булинади. Хар бири вазифасига кура синфларга булинади.
- КХВ заарали ва хавфли омилларга боғлиқ холда: шовкиндан, титрашдан, электростатик зарядлардан химоялаш воситаларига синфланади.
- ШХВ асосан химояланадиган инсон аъзоси ёки аъзолар гурухига караб: нафас аъзоларини, кул, бош, бет (юзни), кузни ва эшитиш аъзоларини химоя килиш воситаларига булинади.

■ **КХВ** техник тайёрланишига караб куйидаги гурухларга булинади:
тусиклар, блокировкалар, тормозлар, саклагувчи мосламалар, ёруглик ва овоз сигналлари, хавфсизлик асбоблари, сигнал ранглари, хавфсизлик белгилари, автоматик назорат курилмалари, масофадан бошкариш воситалари, электр жихозларини ерга улаш ва ноллаш курилмалари, шамоллатиш (вентиляция), ёритиш, иситиш, совутиш (кондиционерлаш), изоляциялаш, герметизациялаш воситалари киради.

■ **Шахсий химоя воситалариға:**
гидроизоляция костюмлари,
скафандрлар, противогазлар,
респираторлар, пневмошлемлар,
пневмомаскалар, хар хил турдаги махсус
күйим ва поїафзаллар, тутгичлар,
кулкоплар, каскалар, шлемлар,
шапкалар, шляпалар, шовкинга карши
шлемлар, кулокка
куйгичлар(вкладышлар), химоя
кузойнаклари, саклагувчи белбоглар,
химояловчи дерматологик(кремлар)
воситалар ва бошкалар киради.

■ Эътиборингиз учун
рахмат!